



## МАРКАЗИЙ БАНК ВА ҲУКУМАТНИНГ МУВОФИҚЛАШГАН СИЁСАТИ АСОСИДА ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ

*Дускобилов Умиджон Шарофиддинович -  
PhD, Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети докторанти*

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a16](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a16)

**Аннотация.** Мақолада инфляцион таргетлашга ўтишнинг илмий-назарий асослари ўрганилган. Хусусан, иқтисодчи олимларнинг инфляцион таргетлашга ўтиш шароитида самарали фоиз сиёсатини юритиш борасидаги тадқиқотлари ёритилган. Инфляцион кутилмаларни тартибга солишда Марказий банкнинг ҳукумат билан ҳамкорликдаги фаолияти таҳлил қилинган. Номонетар омилларнинг нархлар шаклланишига таъсирининг трансмиссион механизми тақлиф этилган. Мамлакатимизда инфляцион таргетлашга ўтишда монетар ва макроиқтисодий шароитларни шакллантириш бўйича тақлифлар берилган.

**Калит сўзлар:** монетар сиёсат, инфляцион таргетлаш, фоиз ставкаси, инфляцион кутилмалар, монетар омиллар, номонетар омиллар.

## ВОЗМОЖНОСТИ РЕГУЛИРОВАНИЯ ИНФЛЯЦИОННЫХ ОЖИДАНИЙ НА ОСНОВЕ СКООРДИНОВАННОЙ ПОЛИТИКИ ЦЕНТРАЛЬНОГО БАНКА И ПРАВИТЕЛЬСТВА

*Дускобилов Умиджон Шарофиддинович -  
PhD, докторант Ташкентского государственного  
экономического университета*

**Аннотация.** В статье рассматриваются научно-теоретические основы перехода к инфляционному таргетированию. В частности, освещаются исследования ученых-экономистов по поддержанию эффективной процентной политики в контексте перехода к таргетированию инфляции. Проанализирована совместная деятельность центрального банка с правительством при регулировании инфляционных ожиданий. Предложен трансмиссионный механизм влияния нестандартных факторов на формирование цен. Разработаны предложения по формированию денежно-кредитных и макроэкономических условий при переходе нашей страны к инфляционному таргетированию.

**Ключевые слова:** монетарная политика, инфляционное таргетирование, процентная ставка, инфляционные ожидания, монетарные факторы, немонетарные факторы.

## THE POSSIBILITIES OF REGULATING INFLATION EXPECTATIONS BASED ON A COORDINATED POLICY OF THE CENTRAL BANK AND THE GOVERNMENT

*Duskobilov Umidjon Sharofiddinovich -  
PhD, Doctoral student of  
Tashkent state university of economics*

**Abstract.** The article deals with scientific-theoretical basis of transition to inflation targeting. In particular, it highlights effective interest rate policy of economic researchers on the move to the inflation targeting. The joint activity of the central bank with the government in regulating inflation expectations is analyzed. A transmission mechanism of the influence of non-standard factors on the formation of prices is proposed. Proposals have been developed for the formation of monetary and macroeconomic conditions during the transition of our country to inflation targeting.

**Keywords:** monetary policy, inflation targeting, interest rate, inflationary expectations, monetary factors, non-monetary factors.

**Кириш.** Инфляциянинг аниқ кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолашда макроиқтисодий жараёнлардаги ўзгаришларни баҳолаш, монетар ва номонетар индекторлар мувофиқлигини таъминлаш ҳамда истиқболдаги тараққиёт тенденциялари моҳиятини тушуниш каби муаммолар юзага келади.

Одатда, мамлакатлар монетар регулятори ўз олдида иқтисодиётдаги ялпи талаб ва тақлиф мутаносиблигини таъминлаш орқали инфляцион босимни назорат қилишни асосий вазифа сифатида белгилайди. Айнан ушбу жараёнда

кучли таъсирга эга бўлмаган, нисбатан содда ва айтиш жоизки, оламшумул ижобий натижалар келтирмайдиган ғояни танлаш ва шу асосида амалий йўналишларни белгилаб олиш бу борадаги жиддий муаммолардан бири саналади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсатнинг стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг рационал инфляцион кутилмалари барқарорлигини таъминлаш мақсадида инфляцион таргетлашнинг принцип ва механизмларини босқичма-босқич амалиётга жорий

қилиш, монетар сиёсат инструментларини тубдан такомиллаштириш, инфляцион таргетлаш режимига ўрта муддатли истиқболда тўлиқ ўтиш ҳамда пул-кредит соҳасида амалга оширилаётган сиёсат ва чораларнинг шаффофлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ялпи ички маҳсулот дефлятори бўйича умумий инфляция индекси янада пасайтириш, шунингдек, пулга бўлган талабни ошириш каби айрим муаммолар ҳал этилиши лозим бўлган қатор вазифаларни илгари суради. Бу эса, ўз навбатида, нафақат Марказий банкнинг монетар сиёсатини янада такомиллаштириш, балки мақсад, метод ва механизмларида ҳам керакли ўзгаришлар қилишни тақозо этади. Марказий банкнинг монетар сиёсат инструментларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш билан боғлиқ концептуал муаммолар мавжудлиги ва уларни ҳал этиш зарурлиги монетар сиёсат инструментларидан фойдаланишнинг ташкилий асосларини тадқиқ этиш заруратини юзага келтиради. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу мақолада инфляцион кутилмаларни тартибга солишда монетар регуляторнинг мустақил ва ҳукумат билан мувофиқлашган чора-тадбирлари атрофлича таҳлил қилинди.

**Адабиётлар таҳлили.** Инфляцион таргетлашга ўтишнинг илмий-назарий жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда мамлакатларнинг мазкур режимга ўтиши борасидаги жараёнлар сўнгги йилларда иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг долзарб объектига айланмоқда. Аммо, илгари сурилган ва атрофлича асосланган турли ўзига хос қарашларнинг мукамал эмаслиги ва уларда ўзаро номутаносиб жиҳатларнинг мавжудлиги мазкур муаммонинг бугунги кунда ҳам долзарб аҳамият касб этишига сабаб бўлмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйида инфляцион таргетлашга ўтиш шароитида монетар сиёсат инструментларидан фойдаланиш борасидаги баъзи ўзига хос ҳамда бир-биридан фарқ қилувчи қарашлар ва ёндашувларга тўхталиб ўтаемиз.

Хорижлик замонавий иқтисодчи олимлардан Ж.Тейлор[3] томонидан олиб борилган тадқиқотларда монетар сиёсат қоидалари ва инфляцион таргетлаш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўрганилган. Шунингдек, пул агрегатлари ва фоиз ставкаларининг мақсадли ўзгариши тадқиқ этилиб, инфляциянинг паст даражасини таъминлашда фоиз ставкалари таъсирчан ва самарали восита эканлиги аниқланган.

Замонамизнинг таниқли иқтисодчи олимлари Б.Бернанке ва Ф.Мишкинлар [4] томонидан олиб борилган тадқиқотларда Янги Зеландия, Канада, Буюк Британия, Швеция, Финландия,

Испания ва Исроил каби қатор саноати ривожланган мамлакатларнинг инфляцион таргетлаш режимига ўтиши ва мазкур жараёнларнинг қандай босқич ва шарт-шароитларда амалга оширилганлиги тадқиқ этилган. Бундан ташқари Б.Бернанкеннинг[5] фикрича, инфляцион таргетлашнинг асосий аҳамиятли жиҳати – нархлар даражасининг истиқболдаги ўзгаришига нисбатан хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор кутилмаларини шакллантириш ҳисобланади.

С.Моисеев [6] ўз тадқиқотларида қуйидаги натижаларни илгари сурган: яъни «овернайт» фоиз ставкалари, ўрта муддатли фоиз ставкалари ва монетар индекаторларни инфляцион таргетлаш шароитида пул-кредит сиёсатининг операцион мақсадлари сифатида тизимлаштирган; шунингдек, марказий банкнинг фоиз ставкалари коридори тизимини шакллантирган. Бунда, фоиз коридорини бошқариш усуллари, унинг афзалликлари ва ўз навбатида, камчиликларини ҳам келтириб ўтган. Шундан келиб чиққан ҳолда, инфляцион таргетлашга ўтиш шароитида монетар сиёсат инструментлари таснифини ҳам шакллантирган.

В.Бурлачков ва Т.Паушевларнинг [7] таъкидлашича, инфляцион таргетлаш шароитида асосий таъсирчан инструмент, бу – Марказий банкнинг қисқа муддатли фоиз ставкалари бўлиб, уларнинг оширилиши кредит канали фаоллигини пасайтиргани ҳолда, нархлар даражасини жиловлаш имконини берса-да, иқтисодиётда ишлаб чиқариш суръатларининг қисқаришига ҳам сабаб бўлади.

З.Бердиназаров[8] ўзининг тадқиқотларида «монетар сиёсат таркибидаги у ёки бу режимни танлаш мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини барқарор таъминлаш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши керак. Бошқача айтганда, у ёки бу режим аҳоли ва инвесторларга миллий валютада жамғармаларни шакллантириш ҳамда уларни инвестиция қилиш учун кафолат тизимини яратиб бериши лозим» эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, иқтисодчи олим пул-кредит сиёсатининг инфляцион таргетлаш режимида Марказий банк томонидан ўрта муддатли инфляцион таргетнинг эълон қилиниши ва пул-кредит инструментлари ушбу мақсадли кўрсаткичга эришишга йўналтирилишини эътироф этади.

Фикримизча, ҳар қандай Марказий банк монетар сиёсатнинг оралиқ ва стратегик мақсадларига, хусусан, инфляцион таргет даражасини белгилаш ва унга эришишида ўз мажбуриятларини аниқ белгилаб олиши зарур. Бунда, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инфляцион кутилмалари билан боғлиқ коммуни-

кацион канал самарадорлигини мунтазам таъминлаб бориши муҳим ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг мавзуга доир ёндашув ва қарашларини тадқиқ этиш ҳамда уларга нисбатан муаллифлик муносабатини билдириш асосида мақоланинг илмий-назарий жиҳатлари, шунингдек, бугунги кунда инфляция таргетлашга ўтиш шароитида монетар сиёсатни амалга оширишнинг макроиқтисодий шароитларини шакллантириш ҳамда бу борада марказий банк олдида турган вазифаларни таҳлил қилиш асосида мақоланинг мазмун ва моҳияти очиб берилди. Мазкур тадқиқотни амалга оширишда қиёсий баҳолаш ва илмий абстракциялаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсатининг инфляция таргетлашга ўтиш доирасидаги замонавий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуни[1] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5877-сонли «Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони[2] асосланади. Унга кўра, ҳозирда монетар сиёсатни амалга оширишда Марказий банк томонидан асосий эътибор таркибий ислохотларнинг янги босқичида инфляция таргетлаш режимини фаол татбиқ этиш орқали монетар сиёсат шароитларини мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Шундан келиб чиқиб, марказий банк инфляциянинг мақсадли мўлжалига эришиш ва пул-кредит сиёсати инструментлари, механизмлари ва жараёнларини инфляция таргетлаш режими стандартларига мувофиқлаштириш каби вазифаларни белгилаб олди.

Аммо, шу ўринда таъкидлаш жоизки, инфляция таргетлаш режимига ўтишда қулай макроиқтисодий шароитнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, номонетар омиллар таъсирини тартибга солишда ҳукумат билан мувофиқлаштирилган сиёсат юритишни талаб этади. Чунки баъзи ҳолларда марказий банк монетар сиёсат доирасида мустақил қарор қабул қилиш орқали инфляция кутилмаларни тартибга солиши мумкин. Аммо, номонетар омиллар таъсирида шаклланган инфляция кутилмаларни тартибга солишда Марказий банкнинг ваколат доираси торлик қилади. Бу, ўз навбатида, ҳукумат билан биргаликда таъсирчан чораларни ўз ичига олган мувофиқлашган сиёсат юритишни талаб этади (1-расм).

1-расмга кўра, Марказий банк мустақил

чора-тадбирлари натижасида, монетар сиёсат соҳасида объектив қарорлар қабул қилиши, пул бозоридаги фоиз ставкаларини тартибга солиши, монетар сиёсатнинг оралиқ ва стратегик мақсадларини жамоатчиликка етказиши, иқтисодий агентларнинг макроиқтисодий ҳолат бўйича аввалдан тасаввурлари ва ишончини шакллантиришга эришиш орқали инфляция кутилмаларни тартибга солиши мумкин. Шунингдек, ҳукумат билан биргаликда асосан номонетар омиллар таъсирини юмшатиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлари натижасида, нарх шаклланишида монополь товарлар улушини қисқартириши, инфляция таргет коридорини аниқ белгилаши, реал нархлар ва ишлаб чиқариш таннарни мутаносиблигини таъминлаши, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатдошлигини ошириши, ялпи талаб шаклланишига таъсир этиши, иқтисодиётдаги долларлашув даражаси ҳамда ижобий ишлаб чиқариш тафовутини қисқартириши мумкин.

2-расмда номонетар омиллар сифатида солиқ ислохотларининг чуқурлашуви, иқтисодий ислохотларнинг жадаллашуви, тартибга солинадиган нархларнинг эркинлаштирилиши ҳамда об-ҳаво ва иқлим шароитларининг нархлар шаклланишига таъсирининг трансмиссион механизми келтирилган. Бунда, импорт ҳамда маҳаллий товарлар нархларига босим берувчи асосий омиллар таъсирини кўриш мумкин. Шунингдек, мавсумий характердаги озиқ-овқат маҳсулотларидан ҳамда нақд ва нақдсиз ҳисобкитоблардаги тафовутдан шаклланивчи нархларга қўшимча босимлар ҳам шулар жумласидандир.

Хорижий адабиётларда келтирилган ҳулосалар ҳамда Марказий банклар тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инфляция кутилмаларни ўрта муддатли истиқболда тартибга солиш нисбатан самарали ҳисобланади. Шу ўринда, инфляция таргетлаш режимига ўтишда қуйидаги бешта қоида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз:


1. Бошқа (инфляция даражаси бундан мустасно) номинал молиявий лангарларнинг йўқлиги.

2. Барқарор нархга эришишда давлат мажбуриятларининг мавжудлиги.

3. Монетар мақсадларнинг фискал-бюджет мақсадлардан устуворлиги.

4. Инфляция таргетлаш режимига ўтишда монетар инструментларни танлашнинг мутлақ эркинлиги.

5. Инфляция таргетлаш режимига ўтишда монетар ва макроиқтисодий сиёсатнинг шаффофлиги.



**1-расм. Марказий банкнинг мустақил тарзда ҳамда ҳукумат билан биргаликда макроиқтисодий ва монетар шароитларни шакллантириш бўйича чора-тадбирлари**


*Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

Дастлабки тадқиқотлар натижасидан маълум бўлдики, мамлакатимиз иқтисодиётида инфляцион жараёнлар асосан талаб омиллари натижасида, яъни иқтисодиётда товар ва хизматларга бўлган талабнинг ишлаб чиқариш ҳажмларига нисбатан тезроқ суръатларда ўсиши натижасида шаклланимоқда. Ўз навбатида, ялпи талабнинг ўсиши давлат бюджети харажатлари ва иқтисодиётга йўналтирилган кредитлар ҳажмининг ўсиши, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари даромадларининг ошиши таъсирида юзага келмоқда.

Марказий банк анаънавий монетар сиёсат доирасида монетар инструментларни қўллаш орқали ялпи талаб ҳажмига таъсир этади ва шу орқали иқтисодиётда инфляцион босимни пасайтиради. Инфляцион жараёнларнинг тартибга солиниши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий фаровонликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда

Марказий банк томонидан инфляцион таргетлашга ўтиш жараёнлари фаол тарзда амалга оширилмоқда. Айнан мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсатнинг стратегик ва оралиқ мақсадларини инфляцион таргетлашга ўтишнинг йўналиш ва механизмларига мослаштиришга ҳаракат қилмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инфляцион кутилмаларни тартибга солишда монетар регуляторнинг ҳукумат билан мувофиқлашган сиёсатини мустаҳкамлашга, шунингдек, монетар сиёсат трансмиссион механизмнинг коммуникация каналини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Мамлакатимизда инфляцион таргетлаш режимига самарали ўтиш учун қуйидаги макроиқтисодий шароитларни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:



**2-расм. Номонетар омиллари нархлар шаклланишига таъсирининг трансмиссион механизми**

*Манба:* марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- монетар сиёсатнинг таъсирчан инструментларини танлаш орқали трансмиссион механизм каналлари самарадорлигини ошириш;
- ички валюта бозори фаолиятини янада либераллаштириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни тизимли давом эттириш;
- монетар сиёсатнинг мавжуд инструментларини такомиллаштириш ва янги замонавий бозор инструментларини жорий этиш;
- банклараро пул бозори фаолиятининг шаффофлигини ошириш ва ривожлантириш;
- монетар инструментларнинг макро-иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини прогнозлаш ва таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш;
- монетар сиёсатнинг стратегик мақсади ва қўлланиладиган инструментлар тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида пул-кредит сиёсатининг аниқлиги ва шаффофлигини ошириш, шу асосида коммуникацион сиёсатни ҳам такомиллаштириш;
- молия бозорини, шу жумладан, давлат

- қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш;
- монетар сиёсатни фискал сиёсат билан самарали мувофиқлаштириш.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хусусиятидан келиб чиқиб, монетар регулятор инфляция таргетлаш доирасида ўрта муддатли истиқболда ички нархлар барқарорлигини таъминлашни стратегик мақсад сифатида белгилади. Шу асосида, монетар сиёсат йўналиш ва таъминлашнинг институционал шароитларини мустаҳкамламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, инфляция таргетлашга ўтиш монетар сиёсатнинг барча жиҳатларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, ўрта муддатли истиқболда барқарор иқтисодий ўсишнинг асоси бўлган макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда сифат жиҳатдан янги босқичга ўтилишини англатади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуни. 11.11.2019 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги «Инфляция таргетлаш режимига бошқичма-бошқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5877-сонли фармони.
3. John B. Taylor (2019) Inflation targeting in high inflation emerging economies: lessons about rules and instruments, *Journal of Applied Economics*, 22:1, 103-116, DOI: [10.1080/15140326.2019.1565396](https://doi.org/10.1080/15140326.2019.1565396).
4. Bernanke, B.S., Mishkin F.S. "Inflation Targeting: A New Framework for Monetary Policy?" *Journal of Economic Perspectives*, 11 (2) 1997.: 97-116.
5. Bernanke B. Inflation targeting // *Federal reserve bank of St. Luis Review*. – 2004. – p. 165-168.
6. Мусеев С.Р. Инструментарий денежно-кредитной политики центрального банка для таргетирования инфляции. Автореферат на соис. учен. степ. докт. эк. наук. – Москва, 2009. – сс. 49.
7. Burlachkov V.K., Pausheva T.E. Conceptual and practical aspects of inflation targeting. *Russian Journal of Entrepreneurship*/ №10.2018. –pp. 2803-2814. doi: 10.18334/rp.19.10.39476.
8. Бердиназаров З.У. Инфляция таргетлаш режимининг назарий жиҳатлари. 02-07-2018. <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/2885-zafar-berdinazarov-inflyatsion-targetlash-rezhimining-nazarij-zhi-atlari>



**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ РЕНТАБЕЛЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Зиёдуллаев Содиқжон Мамадиллаевич -**  
Термиз давлат университетининг  
мустақил изланувчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a17](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a17)

**Аннотация.** Тижорат банклари активларининг рентабеллигини ошириш уларнинг молия бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Рентабелликнинг мўтадил даражасига эришиш активларнинг ликвидлиги ва даромадлиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш заруратини юзага келтиради.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг рентабеллигини ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банки, активлар, активларнинг рентабеллиги, кредит, захира, соф фойда, қимматли қоғоз, инвестиция, фоизли маржа, фоизли спрэд.

**АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ РЕНТАБЕЛЬНОСТИ АКТИВОВ  
КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ**

**Зиёдуллаев Содиқжон Мамадиллаевич -**  
Независимый соискатель  
Термезского государственного университета

**Аннотация.** Повышение рентабельности коммерческих банков является одним из обязательных условий обеспечения их конкурентоспособности на финансовых рынках. Достижение нормального уровня рентабельности обуславливает необходимость обеспечения сбалансированности между ликвидностью и доходностью активов.

В статье выявлены актуальные проблемы, связанных с повышением рентабельности активов коммерческих банков Республики Узбекистан и разработаны научные предложения, направленные на решение этих проблем.

**Ключевые слова:** коммерческий банк, активы, рентабельность активов, кредит, резерв, чистая прибыль, ценная бумага, инвестиция, процентная маржа, процентный спрэд.

**CURRENT ISSUES OF INCREASING THE PROFITABILITY OF  
COMMERCIAL BANKS' ASSETS**

**Ziyodullayev Sodiqjon Mamadillayevich -**  
is an independent scientific researcher at  
Termez State University

**Annotation.** Increasing the profitability of commercial banks is one of the prerequisites for ensuring their competitiveness in the financial markets. Achieving a normal level of profitability necessitates a balance between liquidity and return on assets.

The article identifies urgent problems associated with increasing the profitability of assets of commercial banks of the Republic of Uzbekistan and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

**Key words:** commercial bank, assets, return on assets, loan, reserve, net profit, security, investment, interest margin, interest spread.